



ФАРҒОНАДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ



Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган “Конституция – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!” шиори остида тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ташкилот ва бошқармалар раҳбарлари, сенатор ва депутатлар, фаоллар, нуронийлар, ёшлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров барчани байрам билан табриклаб, Конституция миллий давлатчилигимиз ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги ислохотлар-

нинг мустаҳкам пойдевори эканини таъкидлади. Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик руҳига мос равишда янгиланган Конституция халқаро демократик меъёрлар асосида қабул қилингани, унда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш устувор экани қайд этилди.

Президентимиз томонидан изчил амалга оширилаётган ижтимоий давлат сиёсати юртдошларимизнинг бахти, муносиб ҳаёти ва фаровон келажагини таъминлашга қаратилгани, “Инсон қадри учун” тамойили бугун ҳар бир юртдошимиз ҳаётида, вилоятимиздаги бунёдкорлик ишларида, яратилаётган янги иш ўринлари мисолида ўз ифодасини топаётганига эътибор қаратилди.

Вилоятимизда амалга оширилаётган ижтимо-

ий-иқтисодий соҳалардаги ўзгариш ва ютуқларнинг замирида Асосий Қонунимиз муҳим ўрин тутаётганлиги қайд этилди.

Вилоят ҳокими жорий йилнинг 15–16 октябрь кунлари Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган “Фарғона тинчлик форуми” нафақат минтақамиз, балки бутун халқаро ҳамжамият учун муҳим воқеа эканини яна бир бор таъкидлади.

2026 йилда ҳам вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган катта марралар белгиланаётгани маълум қилинди.

Байрам тантаналари санъат усталари, ёш иқтидорлар иштирокидаги гала-концерт билан давом этди.

ОММАВИЙ САЙЁР ҚАБУЛ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳрида навбатдаги оммавий сайёр қабул ўтказди. Қабул жараёнида вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов, вилоят ИИБ бошлиғи Азизбек Икромов, вилоят ҳокими ўринбосарлари ҳам иштирок этди.

Фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш мақсадида ташкил этилган қабулда 120 дан зиёд юртдошларимизнинг ижтимоий-маиший, ҳуқуқий ва бошқа долзарб масалалари атрофлича эшитилди.

Хусусан, бандлик, имтиёзли кредит олиш, тадбиркорлик, тиббиёт, моддий ёрдам, уй-жой, кадастр, паспорт олиш, қурилиш, субсидия, электр таъминоти каби турли

йўналишлардаги қатор муурожаатлар кўриб чиқилди.

Билдирилган ҳар бир муурожаат юзасидан ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланиб, 74 таси жойида ҳал этилди. Баъзилари мутасадди ҳокимлик масъуллари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарларига йўналтирилди ва назоратга олинди.

Шунингдек, қўшимча ўрганиш ва тушунтириш талаб этиладиган масалалар бўйича муурожаатчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК – МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Қўқон шаҳрида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хитойнинг “Jiangsu Tonke Real Estate Co., Ltd” компанияси президенти Ян Бо ва унинг маҳаллий ҳамкорларини қабул қилди.

Учрашувда вилоятимизда қурилиш соҳасида амалга оширилиши режалаштирилаётган истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Мулоқотда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги қўп қиррали ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланаётгани алоҳида таъкидланди.

Вилоят раҳбари билан учрашувда компания вакиллари Фарғонада қурилиш йўналишидаги лойиҳаларга катта қизиқиш билдирдилар ва сармоя киритиш

ниятида эканликларини таъкидладилар.

Шундан келиб чиқиб, вилоят раҳбари Фарғонада кўп қаватли, энг замонавий ҳамда барча қулай шарт-шароитларга эга бўлган мажмуалар қурилиши зарурлигини қайд этди. Фарғона шаҳридаги Экошаҳар билан танишиш ва бу ерда ўз лойиҳаларини амалга ошириш таклиф қилинди.

Ишларни тизимли олиб бориш ва аниқ лойиҳа ва режа асосида жараёнларни амалга ошириш юзасидан ҳамкорликдаги ишлар келишиб олинди.

ПОЛИКЛИНИКА – ЗАМОНАВИЙ БИНОДА


Фарғона вилояти ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникаси биноси капитал таъмирланиб, Бош Қомусимиз байрами арафасида замонавий кўринишда фойдаланишга топширилди. Тантанали тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти, фахрийлар, тиббиёт ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бўлим ходимларини Конституция байрами ва янги бинонинг очилиши билан самимий қутлаб, сўнгги йилларда мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳамда уларнинг самараси ҳақида гапирди.

Тиббий хизматларнинг сифат даражаси ошиб, янги замонавий йўналишлар, даволаш ва диагностика услулари, ноёб илмий-амалий тажрибалар шаклланаётгани қайд этилди. Эл-юрт саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини муносиб рағбатлантириш ҳам доимо эътибор

марказида бўлиб келаётгани таъкидланди.

Янги қиёфа касб этган поликлиника биноси ҳам мазкур йўналишда олиб борилаётган хайрли ишларнинг амалдаги ифодаси эканлиги эътироф этилиб, эндиликда соҳа ходимлари ва фахрийларига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада юксалишига тилак билдирилди.



» Давоми 2-бетда.

■ Долзарб мавзу



Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар сингари банк тизимида ҳам шаффофликни таъминлаш, коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш, комплаенс назорат тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятида ҳам коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда ходимларнинг банк одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши юзасидан белгиланган талаблар асосида ҳалоллик стандартлари таъминланмоқда.

Сўнгги йилларда “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича самарали механизмларни жорий этиш борасида сезиларли ўзгаришларга эришган банклардан биридир. Банк томонидан қабул қилинган хизматларда шаффофликни ошириш бўйича чоралар, шунингдек, комплаенс назорат тизимининг мустаҳкамлаб борилиши коррупцион хавфларни сезиларли камайитиришга хизмат қилмоқда. Тизимда бу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш комплаенс махсус бошқармаси фаолият олиб бормоқда. Банк раҳбарияти томонидан Коррупцияга қарши курашиш комплаенс махсус бошқармасига комплаенс-назорат мониторингини самарали амалга ошириш, жумладан, банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиётларини такомиллаштириш юзасидан барча зарур шарт-шароит яратиб берилмоқда. Ишга қабул қилинаётган номзодлар очиқ танлов асосида, суҳбат натижаларига қараб, касбга мувофиқлик комиссияси қарорига кўра қабул қилиниши йўлга қўйилган.

Коррупцияга оид шубҳали ҳолатлар юзасидан хабар бериш бўйича жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини қабул қилиш учун “Тезкор ишонч лини-

яси” алоқа каналлари, банк ишонч телефони – (71) 244-28-89, банкнинг расмий веб сайтида коррупция фактлари юзасидан алоҳида бўлим – www.turonbank.uz, телеграм мессенжери – @turonbankanticor_bot, электрон почта – anticorrupt@turonbank.uz онлайн мурожаатлар платформаси йўлга қўйилган. Ушбу тизим орқали аноним шикоятларни ҳам қабул қилиш амалиёти жорий этилган. Бундан асосий мақсад коррупция, манфаатлар тўқнашуви ва суиистеъмоликларни халқаро стандартлар асосида тезкор аниқлаш ҳамда банк фаолиятида шаффофликни таъминлашдир. Шу билан бирга, ходимларда коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни шакллантиришда уларнинг билим ва қўникмаларини ошириш, аввало, ушбу иллатга нисбатан ҳар бир ходимнинг ўз позициясини шакллантириш зарурати билан боғлиқ.

Шу боис Коррупцияга қарши курашиш комплаенс махсус бошқармаси масъул хоимлари банк ходимларини мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, ташқи экспертлар ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда халқаро стандарт талаблари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари асосида, шунингдек, “Виртуал академия” да махсус чуқурлашти-

рилган курсларда ўқитиш, уларга профилактик тушунтириш ишлари олиб бориш таъминланмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат: банк томонидан мазкур масалада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банк тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган тадбирлар, аниқланган муаммолар ва қўрилган чоралар банк расмий каналлари орқали доимий ёритиб борилмоқда.

Хусусан, “Туронбанк” акциядорлик тижорат банкининг барча ҳудудий банк хизматлари маркази каби, Фарғона банк хизматлари маркази ва унинг банк хизматлари офисларида коррупцияга қарши курашиш алоқа каналлари ҳақидаги, банк махсулотлари ва кредитларга доир маълумотларга оид ахборот ойналари ҳамда коррупцияга қарши тарғибот материаллари, ходимлар ва мижозлар учун махсус тарғибот флаерлари, профилактик материаллар ҳамда махсус видеороликлар қўйиб борилиб, банк ходимлари ва мижозлари учун тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Хуршид ЗИКИРОВ,
“Туронбанк” АТБ Коррупцияга қарши курашиш комплаенс махсус бошқармаси бош мутахассиси,
Ҳабибилло САРОЙДИНОВ,
Фарғона БХМ бўйича комплаенс офицер

■ Ташаббус

Фарғона давлат университети филология факультетида “Дўстингизга китоб совға қилинг!” марафони ташкил этилди. Рус тили методикаси кафедраси профессор-ўқитувчилари ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбир талабалар кенгаши ҳамкорлигида амалга оширилди.

ДЎСТИНГИЗГА КИТОБ СОВҒА ҚИЛИНГ!

Марафоннинг асосий гоёси оддий, бироқ жуда ёқимли: ҳар бир иштирокчи ўз шахсий кутубхонасидан бир китоб олиб келиб, уни синфдошига, устозига ёки дўстига совға қилади.

Бу марафон орқали иштирокчилар китоб алмашишдан ташқари, бир-бирлари билан меҳр, фикр ва таассуротларни ҳам бўлишишди.

Ҳа, китоб қўлдан-қўлга ўтганда, у янги ҳаётга эга бўлади. Бундай совғалар инсонларни бирлаштиради, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлайди.

Тадбир давомида талабалар ўзлари ўқиган ва илиқ таассурот олган китоблари ҳақида фикр алмашишди, ёқимли иқтибослар билан ўртоқлашишди, бир-бирларига янги асарлар тавсия қилишди. Совға қилинган китоблар орасида классик ва замонавий адабиёт, шеърят тўпламлари, илм-фанга оид оммабоп нашрлар ҳам бор.

Қўллаб талабалар бу каби тадбирда илк бор иштирок этаётганини таъкидлаб, марафонни факультетнинг йиллик анъанасига айлантириш таклифини қўллаб-қувватлашди. Чунки шундай кичик ва оддий қўринадиган ҳаракат – китоб совға қилиш – одамлар ўртасида катта таъсир, дўстлик ва бирлик муҳитини яратади.

“Дўстингизга китоб совға қилинг!” марафони китоб ўқиш фақат шахсий машғулот эмас, балки мулоқот, руҳий яқинлик ва маънавий боғланиш усули эканини ҳам яна бир бор намён этди.

Рустам СУЛТАНОВ,
Виктория ГИМАДЕТДИНОВА,
Фарғона давлат университети профессор-ўқитувчилари

ОБУНА-2026

Янги Фарғона



НОВАЯ ФЕРГАНА



Янги Фарғона



НОВАЯ ФЕРГАНА



Хурматли муштарийлар!

Фарғона вилояти ҳокимлигининг “Янги Фарғона”-“Новая Фергана” газеталарига 2026 йил учун обуна қизгин давом этмоқда. Обуна ишлари таҳририят билан тўғридан-тўғри шартнома асосида, шунингдек, бошқа обуна уюштирувчи ҳамкор ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Мурожаат учун телефонлар:
73 243-91-95, 91 689-68-46

Келгуси йилда ҳам севимли газеталарни мунтазам равишда ўқиб боришни истасангиз, обуна бўлишга шошилинг!

«Янги Фарғона» –
«Новая Фергана»
газеталари
давлат муассасаси

МУАССИС:
Фарғона вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир:
Шоҳидбек АСЛОНОВ

Манзил:
Фарғона шаҳри, Юксалиш
кўчаси, 78-«В/2» уй.

Телефонлар:
(73) 243-91-95
(73) 243-92-06

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона
вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан
2022 йил 29 августда 036860-рақам билан
рўйхатга олинган.

Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Марғилон шаҳри,
Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.

Газета ҳафтанинг чоршанба ва
шанба кунлари чиқади.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
босмахона масъул.

Газетани етказиб бериш учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Адади: 3 599 нусха.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр индекси: 7603
Буюртма: 552

Навбатчи муҳаррир:
Мўйдинжон СОБИТОВ.

Дизайнер:
Жаҳонгир МИРЗАМАТОВ.